



O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI NAMANGAN VILOYATI
UCHQO‘RG‘ON TUMANI HOKIMINING
Q A R O R I

2021 - yil 22 - dekabr

451-6-87-Q/21

Uchqo‘rg‘on tuman hokimligi

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Якка тартибдаги тадбиркорлар томонидан ёлланган ходимларни давлат солиқ хизмати органларида ҳисобга қўйиш ҳамда солиқ солинадиган даромадлар ва чегириладиган харажатлар ҳисобини юритишни тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2021 йил 22 ноябрдаги 707-сон қарори ҳамда шу ҳақидаги вилоят ҳокимининг 2021 йил 25 ноябрдаги 378-6-0-Q/21-сонли қарорлари ижроси ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Якка тартибдаги тадбиркорлар томонидан ёлланган ходимларни давлат солиқ хизмати органларида ҳисобга қўйиш ҳамда солиқ солинадиган даромадлар ва чегириладиган харажатлар ҳисобини юритишни тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2021 йил 22 ноябрдаги 707-сон қарори ҳамда шу ҳақидаги вилоят ҳокимининг 2021 йил 25 ноябрдаги 378-6-0-Q/21-сонли қарорларини туманда ижросини таъминлаш мақсадида, “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 6 ва 25-моддаларига мувофиқ,

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Якка тартибдаги тадбиркорлар томонидан ёлланган ходимларни давлат солиқ хизмати органларида ҳисобга қўйиш ҳамда солиқ солинадиган даромадлар ва чегириладиган харажатлар ҳисобини юритишни тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2021 йил 22 ноябрдаги 707-сон қарори ҳамда шу ҳақидаги вилоят ҳокимининг 2021 йил 25 ноябрдаги 378-6-0-Q/21-сонли қарорлари ижро учун қабул қилинсин.

2. Вазирлар Маҳкамасининг мазкур қарори билан белгиланишича:

якка тартибдаги тадбиркорларга қонунчилик ҳужжатларида белгиланган фаолият турлари бўйича беш нафаргача ходимларни ёллаш ҳуқуқи берилганлиги;

якка тартибдаги тадбиркор томонидан ёлланган ходимлар электрон тартибда шахсий кабинет ёки мобил илова орқали давлат солиқ органларида рўйхатга қўйилиши;

якка тартибдаги тадбиркор томонидан меҳнат дафтарчаси юритилмаслиги;

якка тартибдаги тадбиркор билан меҳнат муносабатларига киришган жисмоний шахсларга якка тартибдаги тадбиркор сифатида қаралмаслиги ва улар якка тартибдаги тадбиркор номидан ҳуқуқий ҳужжатларни имзолаш ҳуқуқига эга эмаслиги;

ходимларни ёллаган ҳолда тадбиркорлик фаолиятини амалга оширадиган якка тартибдаги тадбиркорлар томонидан фаолият фақат битта манзил бўйича шохобчада амалга оширилиши;

якка тартибдаги тадбиркорлар томонидан солиқ солинадиган даромадлар ва

чегириладиган харажатларнинг ҳисобини юритиш солиқ базасини ҳисоблаб чиқаришнинг соддалаштирилган тартибини танлаган якка тартибдаги тадбиркорларга нисбатан татбиқ этилмаслиги;

қўйидагиларни назарда тутувчи:

Якка тартибдаги тадбиркорлар томонидан ёлланган ходимларни давлат солиқ хизмати органларида ҳисобга қўйиш тартиби тўғрисидаги низом 1-иловага мувофиқ тасдиқланганлиги;

якка тартибдаги тадбиркорлар томонидан солиқ солинадиган даромадлар ва чегириладиган харажатларнинг ҳисобини юритиш тартиби тўғрисидаги низом 2-иловага мувофиқ тасдиқланганлиги;

Вазирлар Маҳкамасининг ”Хусусий тадбиркорлар юридик шахс ташкил этмасдан шуғулланиши мумкин бўлган фаолият турлари рўйхатини тасдиқлаш тўғрисида” 2011 йил 7 январдаги 6-сон қарорига 3-иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилганлиги;

Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг 4-иловага мувофиқ айрим қарорлари ўз кучини йўқотган деб ҳисобланганлиги эътиборга олинсин.

3. Давлат солиқ инспекцияси (Б.Дехқанов) манфаатдор корхона ва ташкилотлар билан биргаликда ўзлари қабул қилган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни бир ой муддатда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 22 ноябрдаги 707-сон қарорига мувофиқлаштиради.

4. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг биринчи ўринбосари Б.Тўламирзаев зиммасига юклансин.

Туман ҳокимининг биринчи
ўринбосари



Б.Тўламирзаев